

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

293 Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини-
такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш
учун халқаро молиявий иқтисодий институтлар ва хорижий
ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилаётган қарз ва
кредит маблағларини жамлаш, қайтариш ва уларга хизмат
кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш
лойиҳаларини амалга ошириш учун Ҳукумат томонидан ёки Ўзбекистон
Республикаси кафолати остида жалб этилган халқаро молиявий ва иқтисо-
дий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.

маблағларини қайтариш ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича сув таъминоти (канализация) корхоналари мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директорига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига ичимлик сув таъминоти ва канализация бўйича амалга оширилган ва амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари доирасида қарз ва кредит маблағларини қайтариш ишларининг самарасиз ташкил этилганлиги кўрсатиб ўтилсин.

2. Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун халқаро молиявий иқтисодий институтлар ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилаётган қарз ва кредит маблағларини жамлаш, қайтариш ва уларга хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қарз ва кредит маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул бўлган ижро этувчи агентликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва сув таъминоти (канализация) корхоналари ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳалари амалга оширилиши, халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари қарз маблағларининг ўз вақтида қайтарилиши ва уларга хизмат кўрсатилиши юзасидан назоратни амалга оширсинлар.

4. Қуйидагиларга:

а) Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги бош директорига, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига:

сув таъминоти ва канализация хизматларига тарифлар лойиҳаларини декларация қилиш учун, шунингдек халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз ва кредит маблағларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган ичимлик сув ва канализация тизимини такомиллаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг тасдиқланган техник-иқтисодий асосланишида назарда тутилган параметрларга эришишни ҳисобга олган ҳолда уларга асословчи ва ҳисоб-китоб материалларининг нархни тартибга солиш органига ўз вақтида тақдим этилиши;

халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз ва кредит маблағларини қайтариш учун зарур молиявий ресурсларнинг белгиланган муддатларда ўз вақтида жамланиши;

сув таъминоти (канализация) корхоналарини, шу жумладан абонентларни ҳисобга олишни оқилона ташкил этиш, сотилган сув ҳажмлари ва берилган сув учун белгиланган тартибда маблағларни тўплаш ҳисобига молиявий соғломлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ҳар йили ишлаб чиқиш ва бажариш йўли билан улар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши;

2014 йил охиригача истеъмолчиларни ва сотилган сув ҳажмларини автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олишни таъминлайдиган биллинг тизимини жорий этиш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин;

б) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ўртасида сув таъминоти ва канализация лойиҳаларини молиялаштириш Битимлари шартлари ва муддатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминлаш;

халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб қилинган қарз ва кредит маблағлари сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан ўз вақтида қайтарилиши ва тўланиши бўйича пухта таҳлилнинг тизимли асосда ўтказилишини таъминлаш юклансин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари бўйича йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти тақдим этилган материалларни пухта таҳлил қилиш асосида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасининг Йиғма ахборот-таҳлил департаментига жалб этилган қарз ва кредит маблағларини қайтариш ва тўлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ахборотни кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот бериш учун киритсин.

6. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 12 июнь,
154-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2014 йил 12 июндаги 154-сон қарорига
ИЛОВА

**Ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини
такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун
халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ва хорижий
ҳукумат молия ташкилотлари томонидан берилаётган қарз ва
кредит маблағларини жамлаш, қайтариш ва уларга хизмат
кўрсатиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш лойиҳаларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан ёки Ўзбекистон Республикасининг каfolати остида жалб этилган халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз ва кредит маблағларини (кейинги ўринларда қарз маблағлари деб аталади) ўз вақтида қайтариш ва уларга хизмат кўрсатишни (кейинги ўринларда қайтариш деб аталади) таъминлаш мақсадида сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан маблағларни жамлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши Ҳукумат томонидан ёки Ўзбекистон Республикасининг каfolати остида жалб этилган халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш бўйича амалдаги ва янгидан жалб этилаётган лойиҳаларга (кейинги ўринларда лойиҳалар деб аталади) татбиқ этилади.

Ушбу Низомнинг амал қилиши Германия молия институтларининг тижорат ва нотижорат кредитлари бўйича қарз маблағларига хизмат кўрсатишга ва уларни қайтаришга татбиқ этилмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек лойиҳалар бўйича тугалланган объектларни фойдаланувчи ташкилотлар билан биргаликда қабул қилиш учун масъул ижро этувчи агентликлар (Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар) белгиланади.

II. Қарз маблағларини жамлаш ва қайтариш тартиби

3. Қарз маблағларини қайтариш бўйича мажбуриятларни бажаришга зарур пул маблағларини жамлаш мақсадида ижро этувчи агентликлар, шу-

нингдек ичимлик сув таъминоти (канализация) корхоналари ёки уларнинг юқори ташкилотлари хизмат кўрсатувчи банкларда 22626-сон «Корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари» махсус ҳисоб рақамини (кейинги ўринларда жамғариладиган ҳисоб рақами деб аталади) очадилар.

4. Хўжалик юритувчи субъектларга қўйилган талабларни кондириш учун пул маблағлари етарли бўлмаганда уларнинг банк ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қонунчилик ижро этувчи агентликлар, сув таъминоти (канализация) корхоналари ёки уларнинг юқори ташкилотларининг жамғариладиган ҳисоб рақамига татбиқ этилмайди.

Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағлари сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жамғариладиган ҳисоб рақамидан зарур маблағларни кредитни қайтариш ҳисобига акцептсиз тартибда ундириш ҳуқуқига эга.

5. Сув таъминоти (канализация) корхоналари ҳар куни олдинги иш куни учун сув таъминоти (канализация) бўйича кўрсатилган хизматлар учун уларнинг асосий талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларига тушган умумий суммадан фоизларда маблағларни (ўзининг ёки юқори ташкилотининг) жамғариладиган ҳисоб рақамига ўтказадилар. Жамғариладиган ҳисоб рақамидаги мақсадли маблағлар қарз маблағлари тўлиқ қайтарилиши пайтигача жамланади.

6. Жамғариладиган ҳисоб рақамига ўтказилиши керак бўлган маблағларнинг фоизли улуши Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари билан келишилган ҳолда, ҳар йили декабрь ойида кейинги йил учун сув таъминоти (канализация) корхоналарининг қарз маблағларини қайтариш жадвали асосида аниқланади ва тасдиқланади.

Жамғариладиган ҳисоб рақамига ўтказилиши керак бўлган маблағларнинг тасдиқланган фоизли улуши тўғрисидаги маълумот сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан жамғариладиган ҳисоб рақами очилган хизмат кўрсатувчи банкка юборилади.

7. Ўтказилиши керак бўлган фоизли улушни қайта ҳисоблаб чиқиш сув таъминоти (канализация) хизматлари учун тарифлар ўзгарганда амалга оширилади.

8. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларидан тўлов талаблари (инвойс) тушишига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли ижро этувчи агентликларга ва сув таъминоти (канализация) корхоналарига, тўланиши керак бўлган сумманинг ҳисоб-китоби билан биргаликда, ёзма билдиришнома юборади.

Бирор-бир сабабларга кўра ижро этувчи агентликлар ва сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан бундай билдиришноманинг олинмай қолиши уларни қарз маблағларини қайтариш бўйича тўлов мажбуриятларидан озод этмайди.

9. Сув таъминоти (канализация) корхоналари халқаро молиявий ва

иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағларини қайта кредитлаш тўғрисидаги битим шартларига боғлиқ равишда миллий валютадаги маблағларни жамғариладиган ҳисоб рақамидан ижро этувчи агентликларга ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ўтказиш йўли билан қайтариладиган суммага тенг миқдорларда ва қарз маблағларини қайтариш жадвалида белгиланган муддатларда қайтаради.

10. Ижро этувчи агентликлар ёки сув таъминоти (канализация) корхоналари миллий валютадаги маблағларни қарз маблағларини қайтариш жадвали ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юбориладиган билдиришнома асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказадилар.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз маблағларини қайтариш бўйича сарф-харажатларни қисман қоплаш учун ажратиладиган бюджет маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш чора-тадбирларини кўради.

12. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги миллий валютада жамланган маблағлар ҳисобига банклараро савдо сессияларида хорижий валютадаги маблағларни белгиланган тартибда сотиб олади, кейинчалик ушбу маблағларни тегишли қарз битими бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташқи мажбуриятларини қайтаришга йўналтиради.

13. Қарз маблағлари тўлиқ қайтарилгандан кейин жамғариладиган ҳисоб рақамида қолган мақсадли маблағлар сув таъминоти (канализация) корхоналарининг асосий талаб қилиб олинadиган депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади ва улардан умумий белгиланган тартибда фойдаланилади.

14. Сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан маблағларни жамлаш ва халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (хорижий ҳукумат молия ташкилотлари)нинг қарз маблағларини қайтариш схемаси ушбу Низомга иловада келтирилган.

III. Жавобгарлик ва назорат

15. Ижро этувчи агентликлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва сув таъминоти (канализация) корхоналари:

лойиҳаларни самарали амалга ошириш ва уларнинг маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб этилган қарз маблағларини ўз вақтида қайтариш;

халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз ва кредит маблағларини қайтариш учун зарур молиявий ресурсларни белгиланган муддатларда ўз вақтида жамлаш;

сув таъминоти ва канализация хизматлари учун тарифларнинг лойиҳаларини декларация қилишга, шунингдек уларга асословчи ва ҳисоб-китоб материаллари халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг қарз ва кредит маблағлари жалб этилган

ҳолда амалга ошириладиган ичимлик сув таъминоти ва канализация тизимини такомиллаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг тасдиқланган техник-иқтисодий асосланишида назарда тутилган параметрларга эришиш ҳисобга олинган ҳолда нархларни бошқариш органига ўз вақтида тақдим этилиши;

сув таъминоти (канализация) корхоналарини шу жумладан абонентларни, сотилган сув ҳажмларини ҳисобга олишни ва берилган сув учун маблағларни тўплашни белгиланган тартибда оқилона ташкил этиш ҳисобига уларни молиявий соғломлаштириш бўйича ҳар йили комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бажариш йўли билан уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишга доир тегишли чора-тадбирлар амалга оширилиши;

истеъмолчилар ва сотилган сув ҳажмларининг автоматлаштирилган тарзда ҳисобга олинишини таъминлайдиган биллинг тизими жорий этилиши учун жавоб берадилар.

16. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ўртасидаги сув таъминоти ва канализация лойиҳаларини молиялаштириш бўйича Битим шартлари ва муддатларига риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминлайди;


халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг жалб этилган қарз ва кредит маблағлари сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан ўз вақтида қайтарилиши ва тўланишини тизимли асосда пухта таҳлил қилади;

амалга оширилган ишларнинг якунлари бўйича йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритади.

17. Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти тақдим этилган материалларни пухта таҳлил қилиш асосида йилнинг ҳар чорагида Вазирлар Маҳкамасининг Йиғма ахборот-таҳлил департаментига, кейинчалик Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирга ахборот бериш учун, жалб этилган қарз ва кредит маблағларини қайтариш ва тўлаш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот киритади.

18. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**Сув таъминоти (канализация) корхоналари томонидан маблағларни жамлаш
ва халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (хорижий ҳукумат молия
ташкilotлари)нинг қарз маблағларини қайтариш
СХЕМАСИ**



1. Кўрсатилган сув таъминоти (канализация) хизматлари учун истеъмолчилардан олинган маблағлар сув таъминоти (канализация) корхонасининг (кейинги ўринларда корхона деб аталади) асосий депозит ҳисоб рақамига тушади.

2. Корхонанинг хизмат кўрсатувчи банки ҳар куни маблағларни корхонанинг жамғариладиган ҳисоб рақамига асосий депозит ҳисоб рақамига тушган умумий суммага нисбатан фойзаларда ўтказди .

3. Асосий депозит ҳисоб рақамидаги қолган маблағлар корхона томонидан фойдаланиш эҳтиёжларига мустақил равишда сарфланади.

4. Халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (хорижий ҳукумат молия ташкилотлари) тўловлар графигига мувофиқ кредитни тўлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тўлов талабномаси (инвойс) юборади.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ижро этувчи агентликка ёки корхоналарга халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (хорижий ҳукумат молия ташкилотлари)нинг жалб этилган кредитини тўлаш ҳисобига тўланадиган сумма ҳисобкитоби билан бирга ёзма хабарнома юборади.

6. Корхона хабарномага мувофиқ, Қайта кредитлаш тўғрисидаги битим шартларига боғлиқ ҳолда, Ижро этувчи агентликка ёки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига махсус (жамғариш) ҳисоб рақамидан миллий валютадаги маблағларни ўтказди.

7. Ижро этувчи агентлик Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига махсус ҳисоб рақамидан миллий валютадаги маблағларни ўтказди.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (хорижий ҳукумат молия ташкилотлари) кредитини қайтариш бўйича харажатларни қисман қоплашга ажратиладиган бюджет маблағларини (Давлат бюджетини улушини) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг махсус ҳисоб рақамига ўтказди.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги махсус ҳисоб рақамида жамланган маблағларни конвертация қилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли хорижий валютага конвертация қилинган маблағларни тегишли Қарз битими бўйича Ўзбекистон Республикасининг ташқи мажбуриятларини тўлашга йўналтиради.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (хорижий ҳукумат молия ташкилотлари)нинг жалб этилган қарз ва кредит маблағларини қайтариш ва тўлаш бўйича ахборотни пухта таҳлил қилади ва ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

12. Вазирлар Маҳкамаси Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Йиғма ахборот-таҳлил департаментига халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар (хорижий ҳукумат молия ташкилотлари)нинг қарз маблағларини қайтариш ва тўлаш бўйича ахборотни киритади.

13. Вазирлар Маҳкамасининг Йиғма ахборот-таҳлил департаменти тақдим этилган ахборот асосида, кўрилган чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ахборот беради.